# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 12 декабрь, № 257 (7487) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.***

Жорий йил 14 январда Президентимизнинг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ўтган қарийб бир йил мобайнида корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини самарали бошқариш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 2819 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишлагани сабабли ҳатто дивиденд тўлай олмайди.

Президент бу ҳолатни жиддий танқид қилди.

— Давлат иштирокини ҳеч зарурат бўлмаган соҳаларда ҳам сақлаб турибмиз. Давлат корхоналарини бошқариш, фаолияти самарасини ошириш, уларнинг функцияларини хусусий секторга бериш бўйича ҳали сезиларли ўзгаришлар бўлмади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис йиғилишда 2020 йилда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Аввало, бундай корхоналарни ислоҳ қилиш ёки тугатиш, сақлаш ёки хусусий секторга бериш масаласини ўрганиш бўйича Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари бошчилигида ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида 140 та корхона, ҳудудлардаги 1573 та коммунал, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари, геология, металлургия, молия ташкилотлари бўйича 137 та, енгил саноат, машинасозлик ва электротехника тармоқларида 49 та, ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика йўналишларида 449 та, кимё, нефть-газ, энергетика соҳаларида 42 та, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида 330 та, саноат зоналарида 99 та корхона бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг ҳар бирига молия вазири ўринбосарлари бириктирилди.

Ишчи гуруҳларга бир ой муддатда ҳар бир корхонани тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг рентабеллиги, ҳозирги қуввати ва истиқболини таҳлил қилган ҳолда, 2020 йилга мўлжалланган аниқ режа ва таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Кўплаб компаниялар молиявий ҳисобот юритиш, ички назорат ва аудит ўтказиш, бошқарувга мустақил аъзоларни киритиш каби масалаларда оқсаётгани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга мазкур компанияларда корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш, базавий соҳалардаги 32 та йирик корхонани ислоҳ қилишни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари — KPI (Key Performance Indicators) ҳар бир корхонада ишлаб чиқилиши ва мунтазам назорат қилиниши лозимлиги таъкидланди. Давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Транспорт вазирлигида Лойиҳа офиси тузиб, ушбу соҳадаги корхоналарга хусусий секторни жалб этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Хусусийлаштиришга оид ёндашувларни тубдан янгилаш, халқаро экспертларни жалб этиб, бу борада бозор иқтисодиётига хос ва мос тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, давлат иштирокидаги корхоналар раҳбарларини шу борада ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ СИЁСИЙ ЙЎЛИ МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ТИЗИМИ РИВОЖИНИНГ АСОСИДИР

*Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кенг кўламли ўзгаришлар ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган йўлимизнинг асосий устуворликларини белгилаб берди.*

## Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

Давлатимиз раҳбари тинчлик ва тараққиётимизни, барча ўзгаришларнинг натижаларини Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш билан боғлайди. Шу боис маърузада Бош Қомусимизда мустаҳкамлаб берилган принцип — Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги қоидага алоҳида урғу берилган бўлиб, бу, ўз навбатида, халқ вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Депутатларнинг халқ вакиллари, деб аталмиш юксак рутбадаги асосий вазифалари ўз электоратининг манфаатларини ҳимоя қилишдан, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг кўш қаноти ҳамда халқ билан мулоқотни амалга оширишда ишончли кўприк бўлишдан иборатдир.

Президентимизнинг нутқи кўпчилик учун ўз ишини яна бир бор қайта кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, жорий вазифаларнинг бажарилиш мароми ва сифатини бугунги ва эртанги кун шиддатларига ҳамоҳанг тарзда қайта қуришга катта туртки бўлди. Айни пайтда уларнинг фаолияти халқимиз орзу-умидларига қанчалик мос келишини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ваколатлари муддати тугашига ҳам оз фурсат қолди. Парламент қуйи палатаси фаолиятининг сўнгги уч йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таклиф этилган ислоҳотлар йўлини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: сўнгги уч йил ичида мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органининг ўрни ва роли қай даражада ўзгарди, унинг фаолиятида қандай тизимли ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди? Мамлакатимиз парламенти ўз тараққиётининг янги босқичига қандай натижалар билан қадам қўймоқда?

Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик ваколатлари мамлакатимиз учун мураккаб геосиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятлар мавжуд бўлиб турган бир вақтда бошланди. Кўплаб миллий ва хорижий экспертлар қайд этганидек, мамлакатимиз учун муҳим бўлган ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳақиқий бозор механизмларини жорий этишга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими самарадорлигини оширишга, энг асосийси, том маънодаги халқ демократиясини қарор топтиришга, жамоатчиликнинг, фуқароларнинг шаҳду шижоатини уйғотишга жуда катта эҳтиёж мавжуд эди.

Мамлакатимизнинг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама биладиган, одамларнинг дарду ташвишларини ўз қалбидан ўтказган, узоқни кўра оладиган янги етакчиси миллатимизга ва жаҳонга Ўзбекистонни қайта қуриш ҳамда тараққий эттиришнинг янги сиёсий моделини тақдим этди. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакат тараққиётининг янги босқичида ижтимоий ҳамжиҳатликка, амалий яратувчанлик ва бунёдкорлик принципларига асосланган миллий ғоя шакллантирилди.

Ўзбекистон Президенти ҳар томонлама мураккаб шароитларда, тобора кўпайиб бораётган таҳдидларга қарши ўз вақтида самарали ечим топишга муваффақ бўлди. Қисқа муддат ичида танлаб олинган йўлимиздаги энг асосий кўзланган мақсадга эришилди — **халқимиз ўз Президентига ишонди! Ана шу ишонч билан унинг сиёсий йўлини рўёбга чиқаришда фаол иштирокчига айланди!**

Сўнгги уч йилда мамлакатимизда қўлга киритилган барча ютуқларни, эришилган марраларни таҳлил қилар эканмиз, биз комил ишонч билан **"Ўзбекистон Президенти танлаган янги сиёсий йўл зафар қозонди"**, деб айта оламиз. Биз бугуннинг ўзидаёқ Ўзбекистондаги сиёсий танловнинг, шакллантирилган барқарор, самарали сиёсий тизимнинг қанчалик тўғри эканлигини тўлиқ эътироф этишга ҳақлимиз.

Шуниси диққатга сазоворки, давлатимиз раҳбари ислоҳотларнинг илк давриданоқ мамлакатимиз сиёсий тизимининг бир бўлагини ташкил этувчи ҳокимият вакиллик органлари ишига катта эътибор қаратиб, депутатларни халқнинг ҳақиқий вакиллари, унинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларининг том маънодаги ифодачиси сифатида эътироф этган ҳолда, улар билан узлуксиз мулоқотда бўлиб келмоқда.

Чунончи, турли даражадаги депутатлар билан бўлиб ўтган ана шундай мулоқотлар, учрашувларда давлатимиз етакчиси томонидан илгари сурилган Янги сиёсий йўл, уни мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг турли соҳаларида самарали амалга ошириш воситалари батафсил муҳокама қилинди.

Шу ўринда 2017 йилнинг 12 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари билан бўлиб ўтган, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ғоят муҳимлиги билан тарихимиз саҳифаларидан ўрин олган учрашувини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Президентининг мазкур учрашувдаги дастурий маърузасида парламентимиз ва ҳокимият вакиллик органлари учун янги сиёсий йўл белгилаб берилди. Хусусан, халқ билан, халқнинг ўзи танлаган қонуний вакиллари билан мулоқотнинг тубдан янги механизми таклиф этилди.

2017 йилдан эътиборан янги демократик институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаат билан чиқиш институти жорий қилинди. Ушбу теран сиёсий ва юридик мазмун-моҳиятга эга бўлган муҳим институт парламентнинг мамлакат ҳаётидаги роли ва ўрнини чинакамига ошириш, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги сиёсий йўлидаги муҳим устуворликлар ва вазифалар бўйича ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга ҳар йили йўллайдиган ана шу Мурожаатномаларида белгиланган вазифалар миллий парламентимизнинг, бутун депутатлар корпусининг фаолиятини тубдан модернизация қилишнинг асосий негизига айланди.

Ушбу вазифаларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти соҳасидаги ишлар қисқа муддатда қайта кўриб чиқилиб, сифат жиҳатидан янги шакл ва усуллар жорий этилди.

**Биринчидан,** жойларда парламент назоратини амалга ошириш, депутатларнинг сайлов округларидаги сайловчилар билан ҳамкорлигининг шакллари ва усуллари, ижро этувчи ҳокимият органларига мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, ҳудудларда таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш механизмлари ўзгартирилди.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2018 йилларнинг ўзида республикамизнинг **137** та туман ва шаҳридаги ҳақиқий ҳолат бевосита жойларга чиқиб ўрганилди. Шу асnoда кўплаб таҳлилий ва амалий ҳужжатлар тўпланиб, мазкур ҳужжатлар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти ҳудудий органларининг фаолияти танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди.

Фуқароларни ташвишлантираётган муаммоларни, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни аниқлаш учун хонадонма-хонадон, уйма-уй юрилиб, **400 минг** нафардан зиёд фуқаролар ҳамда **14 мингдан** ортиқ тадбиркорлик субъекти вакиллари билан суҳбатлар ўтказилди. Ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишлар йўлга қўйилди.

**Иккинчидан,** депутатлар корпуси қонун ижодкорлиги фаолиятининг натижадорлиги ошди.

Агар 2016 йил мобайнида депутатлар ташаббуси билан жами **11 та** қонун киритилган бўлса, 2017 йил мобайнида бу кўрсаткич **27 та**ни ташкил этиб, **2,5 баравар** ўсди. Кейинги йилларда ҳам шундай ўсиш кузатилди.

**Учинчидан,** парламент фаолиятининг асосий йўналишлари самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида унинг янги тузилмавий бўлинмалари ташкил этилди.

Масалан, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил қилинди. Ушбу институт фаолияти парламент ишини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш сифатини оширишга, унинг иши самарадорлигини кучайтириш бўйича янги илғор услубиёт ва технологияларни жорий этиш учун кўмаклашишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Парламент томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятнинг кўп қирралилиги инобатга олинган ҳолда, Қонунчилик палатасида Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари ташкил этилди.

Оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича комиссия, шунингдек, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилиб, улар фаолияти самарали йўлга қўйилди.

**Тўртинчидан,** ахборот майдонида депутатлар фаолияти сезиларли даражада фаоллашди, жамоатчиликни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор этиш борасида уларнинг роли кескин ошди.

Ижтимоий тармоқларда шахсий саҳифалардан фойдаланилиши, Қонунчилик палатаси расмий веб-сайтидаги барча фуқаролар учун очиқ бўлган "депутатнинг виртуал қабулхонаси" хизмати халқ вакилларининг барча сайловчилар билан муносабати сифати ва тезкорлигини, улар фаолиятининг шаффофлиги ҳамда ҳисобдорлиги даражасини жиддий тарзда оширди.

Ҳозирги вақтда айнан депутатлар одамларни безовта қилаётган долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб борилаётган фаол мулоқотнинг ташаббускори бўлмоқда. Қисқа муддат ичида депутатлар ўзларининг кўплаб дадил ва очиқ чиқишлари билан жамиятда обрў-эътибор, ҳурмат қозонишга муваффақ бўлдилар. Парламент томонидан қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини, уларни амалда қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини аҳолининг турли қатламларига тушунтириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

**Бешинчидан,** парламент назоратини юритишнинг янги шакли — ҳукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботини эшитиш депутатлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Қабул қилинган қонунларнинг, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётимиз бобидаги вазифаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан сифатли, ўз вақтида бажарилиши борасидаги парламент мониторинги миллий қонунчилигимизни, парламентнинг назорат фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболли режаларини шакллантириш негизига, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни таъминлашнинг муҳим омилига айланди.

**Мамлакатимиз парламенти фаолиятини модернизация қилишнинг мана шу ва бошқа чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги унинг ролини сезиларли даражада кучайтирди.** Олий Мажлис депутатларининг мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги фаол иштироки парламентга халқ хоҳиш-иродасининг тўла ҳуқуқли ифодачиси сифатида сайловчиларнинг ўзи муаллиф ва ғоявий ташаббускор бўлган муҳим лойиҳаларни илгари суриш ҳамда рўёбга чиқариш имконини бермоқда.

Шу асосда парламентимиз, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари Президентнинг **"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак",** деган шиорини амалга татбиқ этмоқда. Бу шиор миллий қонунчилигимизнинг бутун тизимини модернизациялаш жараёнида тўлиқ ўз ифодасини топмоқда. Кейинги уч йил ичида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат аппарати ишининг халқ олдида ҳисоб бериш, одамларни қийнаётган, ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратиш каби устуворликлари бевосита ўз ифодасини топган.

Миллий қонунчилигимиз тизимини инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлаштириш, оддий одамларнинг манфаатларини давлат органларининг идоравий манфаатларидан устун қўйиш, давлат аппаратини аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари билан амалий мулоқотнинг фаол субъектига айлантириш борасидаги ташаббуслар айнан **Ўзбекистон Президенти сиёсий иродасининг маҳсулидир**.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик таҳлили ушбу ҳужжатларда нафақат қоидаларни юридик баён этиш услуби, балки норматив ташаббусларни шакллантириш принциплари ҳам тубдан ўзгарганлигини кўрсатмоқда. Экспертлар **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорларининг тили замонавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг илғор намунаси** эканлигини таъкидламоқда. Барча қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар оддий фуқарога тушунарли тарзда аниқ, равон ёзилган бўлиб, уларда илгари сурилаётган барча мақсад-вазифалар яққол кўрсатиб берилган, белгиланган ҳар бир муаммонинг ечими бажарилиши талаб этиладиган тегишли чора-тадбирлар мажмуи билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундай ёндашувларни Ўзбекистон Республикаси қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида ҳам кузатишимиз мумкин. Шу боис кейинги вақтларда қабул қилинаётган қонунларнинг сифати кескин ошди. Бунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари ишини йўлга қўйишнинг янги усуллари жорий этилиши, тартибга солувчи қоидалар таъсирчанлиги, самарадорлигини баҳолаш юзасидан комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши, экспертлар ва жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини тўлиқ ҳисобга олиш тизими шакллантирилгани муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Янги сиёсий йўли нафақат қонун ижодкорлигига, балки депутатлик фаолиятига ҳам янгича мазмун-моҳият бахш этди. Депутатларнинг ўз сайлов округларидаги фаолияти шакл-шамойилини ўзгартириш, уларнинг сайловчилар билан доимий мулоқот ўрнатиш механизмларини такомиллаштириш борасида айнан Президентимиз томонидан илгари сурилиб, амалга оширилган ташаббуслар парламентимизга юртдошларимизни ташвишлантираётган муаммоларни чуқур ўрганиш, халқ ва давлат институтлари ўртасида кўприк бўлиш, сайловчиларнинг манфаатларини тўлароқ ифодалаш имконини берди.

Депутатларнинг ҳар ой ўн кун давомида бевосита сайлов округларида ишлаши натижасида халқ ноиблари ўз сайловчиларининг эҳтиёжлари ва муаммолари тўғрисида ахборот олишини таъминловчи барқарор механизм шаклланди. Шунингдек, икки томонлама ҳисобдорлик тизими яратилди.

Жойларда амалга оширилган фаолият доирасида тегишли ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектларига жиддий, ташкилий-техник ёрдам кўрсатилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иши ҳам янги мазмун-моҳият билан бойиди. Парламент аъзолари бу Кенгашларнинг ишида доимий асосда иштирок эта бошладилар. Маҳаллий ва республика даражасидаги депутатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан узоқ йиллар давомида ўз ечимини топмай келаётган кўплаб масалалар тезкор равишда ҳал этилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, мамлакатимиз раҳбарининг давлат ҳокимияти турли тармоқларининг ўзаро бирбирини тийиб туриш ҳамда мувозанатини сақлаш механизмлари тизимида парламентнинг ролини оширишга қаратилган ташаббуслари алоҳида эътибор ва эътирофга лойиқдир. Натижада Олий Мажлиснинг фаолиятига ҳукумат иши устидан парламент назоратининг муҳим тури — мунтазам равишда ўтказиладиган "ҳукумат соати" жорий этилди.

Ҳукумат аъзоларининг номзодларини тасдиқлаш борасида мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган тажриба Олий Мажлиснинг назорат қилиш ваколатларини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ҳисобдорликнинг бундай шаклларини жорий этиш ҳукуматнинг очиқлигини ва масъулиятини, фуқароларнинг давлат институтлари фаолиятидан хабардорлик даражасини тубдан оширди.

Парламент ўзининг барча саъй-ҳаракати ва имкониятини ишга солиб, миллий иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаёти учун энг муҳим бўлган кўплаб тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Депутатларнинг қишлоқ хўжалиги сектори самарадорлигини ошириш, хусусан, сувни тежаш тизимини жорий этиш, бўш турган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни мақбуллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳамда бошқа ишларда фаол иштирок этгани яхши самара берди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида парламент Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, очиқ, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи ҳамкорликка қаратилган, Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда илгари суришга асосланган ташқи сиёсий йўлнинг фаол иштирокчисига айланди.

Мамлакатимиз парламенти самарали халқаро алоқалар сиёсатини амалга ошира бориб, қисқа муддат ичида кўплаб нуфузли парламентлараро бирлашмаларнинг фаол иштирокчисига айланди. Парламентлараро Иттифоқ, МДҲга аъзо мамлакатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси шулар жумласидан бўлиб, Ўзбекистон парламенти аъзолари мазкур ташкилотлар раҳбарлик тузилмаларидаги юқори лавозимларга тайинландилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси 2017 йилдан эътиборан ўзининг ЕХҲТ Парламентлараро Ассамблеясидаги иштирокини қайта тиклади.

Парламентимиз ташқи сиёсат борасида белгилаб берилган устувор йўналишлар — Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, дунёнинг етакчи давлатлари, халқаро ташкилотлар билан стратегик шерикликнинг кўп қиррали тизимини шакллантириш, республикамиз ҳудудидан ташқаридаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминлаш соҳаларида фаол иштирок этмоқда.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис халқаро алоқаларининг кенг кўламли дастури мамлакатимиз ташқи сиёсий йўлининг муҳим таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳам икки томонлама шартномалар йўналиши бўйича, ҳам халқаро парламентлар тузилмалари фаолияти доирасида дадил илгари суриш имконини бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маърузасида** белгилаб берилган устувор вазифалар парламентимиз олдига янги масъулият юклади.

Давлатимиз раҳбари қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ комплекс вазифаларни белгилаб берди.

Маърузада ўз аксини топган муҳим ғоя шундан иборатки, давлатнинг ҳуқуқ соҳасидаги сиёсати тизимлиликка, давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида кечаётган ҳақиқий жараёнларни чуқур англашга асосланиши лозим.

Давлатимиз раҳбари қабул қилинаётган қонунлар амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлгандагина ишлашини таъкидлагани бежиз эмас.

Ваҳоланки, бу парламентимиз, энг аввало, унинг қуйи палатаси келгуси даврда ҳал этиши керак бўлган муҳим вазифалардан биридир. Сир эмаски, бугун фаолиятнинг бир соҳасида қабул қилинаётган қонунлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа жабҳасида чиқарилаётган қонун ҳужжатларига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Бундан ташқари, қонунларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга самарали таъсирини баҳолашнинг таъсирчан тизимини яратиш борасида ҳам кўп ишлар амалга оширилиши керак.

Қонунлар нафақат тизимли асосда қабул қилиниши, балки худди шундай ижро этилиши зарурлиги ҳам Президентимиз томонидан алоҳида қайд этилди. Шу сабабли, қабул қилинаётган қонунларни аҳоли кенг қатламларига етказиш, уларнинг ижроси ва қўлланилиши устидан қатъий парламент назоратини амалга оширишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Эндиликда фуқароларнинг, бутун жамиятнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш юзасидан депутатлар корпусининг ишини сезиларли даражада кучайтириш зарур, чунки бусиз жамиятда қонун устуворлигини, изчил демократик ислоҳотлар амалга оширилишини таъминлаш мушкул.

Маърузада таъкидланганидек, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаро учун ҳаётий қоидага, ҳар бир мансабдор шахс фаолиятини баҳолаш мезонига айланиши керак.

Мамлакатимиз Президенти томонидан қўйилган мана шу ва бошқа қатор мақсадли вазифаларни адо этиш, давлатнинг бутун ҳуқуқий тизими таъсирчанлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда Конституциямизнинг нормалари, энг аввало, унинг асосий принциплари ва қоидалари фундаментал база, муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши зарур.

Президентимиз мамлакатимиз қонунчилигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги, виждон ва диний эътиқод эркинлиги каби принциплар ўта муҳимлигини таъкидлаб, уларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Шу муносабат билан парламент келгусида жиноятга оид сиёсатни янада инсонпарварлаштириш, давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида жиноят судлов ишларини юритишда қонунийликни таъминлаш, хусусан, адвокатура институтининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини тайёрлаш ишларида бевосита иштирок этиши лозим бўлади.

Маърузада Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги миллий стратегияни, Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифалари илгари сурилди.

Таълим соҳасида ва умуман, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш дастури энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлишига эътибор қаратилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилда қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ҳамда бошқа кенг кўламли ишларни амалга оширишга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

Ишончимиз комилки, халқ сайлаган вакиллар орқали фуқаролар манфаатларини ифодаловчи ҳақиқий демократик орган сифатида шаклланган, давлат ҳокимияти органлари тизимида муносиб ўрин эгаллаган, мамлакатда амалга оширилаётган улкан ва кенг кўламли ислоҳотларга жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси келгусида ҳам давлатимиз раҳбарининг халқимиз фаровонлиги, бекиёс Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига қаратилган **Янги сиёсий йўлининг** фаол иштирокчиси ва давомчиси бўлиб қолади.

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери**

# МАҚСАДИМИЗ – МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ

**Бугунги кунда сиёсий партияларнинг давлатни бошқариш ва жамиятни ислоҳ қилишдаги роли тобора кучайиб бормоқда. Улар ишини янада фаоллаштириш, шу жумладан, жамиятни демократлаштириш ва янгилашда, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг хоҳиш-иродасини ифодалашда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилган.**

**Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда бевосита иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ҳам жонланяпти. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини узлуксиз такомиллаштириш, миллий меросимиз ҳамда қадриятларимизни тиклаш, сақлаш ва янада бойитиш билан бирга, уларни ёш авлодга етказиш борасидаги ишлар жадаллашди. Лекин бу борадаги тадбирларни замон талаблари асосида такомиллаштириб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.**

**Давлатимиз раҳбари сиёсий партиялар фаолиятига тўхталиб, улар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармаётгани, устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф, ташаббуслар деярли сезилмаётганига эътибор қаратган эди.**

**Хусусан, "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятига тўхталиб, партия миллий меросимиз ва қадриятларимизни тиклаш, уларни янада бойитиш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантиришга муҳим вазифа сифатида қараши мақсадга мувофиқ эканини тилга олганди.**

**Юртбошимиз яна бир муҳим масала — тарихий обидаларимизни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимиз қадамжоларини обод қилиш бўйича олдимизда қанчадан-қанча вазифалар турганини айтиб, "Миллий тикланиш" партиясига Маданият вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориш бўйича ҳам бир қатор тавсиялар берган эди.**

**Сўнгги йилларда партиямиз ўз олдига қўйган вазифаларни, хусусан, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётининг барча соҳасида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ҳамда маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ҳамда анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтириш масалаларига, шунингдек, сайловолди дастурларини ўз муддатида самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

## Миллатпарварлик миллатчилик эмас...



**Акмал САИДОВ,
130-Касби сайлов округидан
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзод:**

— Нима учун бўлажак сайловда сайловчиларни "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодларига овоз беришга даъват қилиш керак?

**Биринчидан,** партиямиз ўз дастурларида **миллатпарварлик** ва **ватанпарварлик** тушунчаларига алоҳида урғу бермоқда. Бу айримлар қайд этаётганидек, миллатчилик эмас. **Миллатпарварлик**, **бу — ўз миллатини севиш, тарихи, ўтмиши, буюк аждодлари ва албатта, маданий меросидан ғурурланиш, деганидир.**

Албатта, меҳр-муҳаббат ва фахр-ифтихор туйғулари ҳар биримизни фаровонлик ҳамда Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида фидойи бўлишга ундайди.

**Иккинчидан,** узлуксиз тарбия тизимини яратиш — бугунги давр тақозоси бўлса, ўзбек тилининг мақомини юксалтириш миллат келажаги билан боғлиқ масаладир.

**Учинчидан,** ўқитувчиларнинг обрўси ва мавқеини том маънода ошира олсак, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида муҳим қадам қўйган бўламиз. Билим ва китобхонликни кенг тарғиб этиш эвазига эса қалби ва онгу тафаккурида Ватанга садоқат, миллатпарварлик, тадбиркорлик, мафкуравий иммунитет, мустаҳкам ирода, юксак масъулият, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик фазилатларини мужассам этган янги Ўзбекистоннинг янгича кадрларини вояга етказишга ҳисса қўшамиз.

Кўпчилик яхши биладики, Касби туманининг Қатағон қишлоғида яшаб ўтган марҳум **Холбой ота Хонқулов** бутун ҳаётини таълим-тарбияга бағишлаган. Қирқ йилдан зиёд ўқитувчилик қилган бу инсон пенсияга чиққанидан кейин қишлоғида ўз ҳисобидан кутубхона барпо қилиб, "Ёшлар маркази"ни ташкил этади.

Ҳозир ана шу кутубхонадаги адабиётлар 20 мингдан ошган. Ушбу маърифат маскани йил давомида китобхонлар, айниқса, қишлоқ ёшлари билан гавжум.

Президентимиз ана шу фидойи ўқитувчини хотирлаб шундай деганди: "Жамиятимизнинг китобхонлик даражасини ошириш, ўғил-қизларимизни китобга ошно этиш масаласи ғоят долзарб вазифа бўлиб турган бугунги кунда муҳтарам отахонимизнинг бундай хайрли ишларни амалга оширгани, албатта, таҳсинга сазовордир. Ахир у киши ҳам ошиб-тошиб кетган одам бўлмагандир, пенсиясини, йиққан-терган маблағини тинчгина еб ётса бўларди-ку?"

Чиндан ҳам, мана шундай фидойи инсонлар олдида ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Бундай жонкуяр кишилар, хусусан, ўқитувчи ва мураббийларнинг эзгу ташаббусларини қўллаб-қувватлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Тўртинчидан,** партиямиз маҳаллани жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айлантиришга ҳаракат қиляпти. Токи маҳалла идораси том маънодаги маҳалла аҳлининг "бош уйи"га айлансин. Одамлар бу ерга келиб, эмин-эркин ўз фикрини, таклифини, дардини айта олсин.

**Бешинчидан, "Саломатлик — туман бойлик"**, дейди халқимиз. Бугунги кунда ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати, табибларнинг хизматлари муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам ушбу соҳани тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан тўғри фойдаланиш, соҳага доир норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобати ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун реал шароит яратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

> Президентимиз ана шу фидойи ўқитувчини хотирлаб шундай деганди: «Жамиятимизнинг китобхонлик даражасини ошириш, ўғил-қизларимизни китобга ошно этиш масаласи ғоят долзарб вазифа бўлиб турган бугунги кунда муҳтарам отахонимизнинг бундай хайрли ишларни амалга оширгани, албатта, таҳсинга сазовордир. Ахир у киши ҳам ошиб-тошиб кетган одам бўлмагандир, пенсиясини, йиққан-терган маблағини тинчгина еб ётса бўларди-ку?»

**Олтинчидан,** сайловолди дастуримизда халқаро ҳамкорлик, хусусан, хорижий давлатларнинг парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан доимий алоқаларини ривожлантиришга доир вазифалар белгилаб олингани бежиз эмас.

Чунки хорижда яшаб, ишлаётган, ўқиётган ёшларимиз билан доимий алоқани йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлашга қаратилган ишлар айнан ана шундай идоралар билан ҳамкорликдан бошланади. Шунинг учун ҳам янги парламентни чинакам "Халқ уйи"га айлантириш, тез орада **"Халқ дипломатияси концепцияси"** ва **"Парламент дипломатияси концепцияси"**ни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни кўзда тутмоқдамиз.

Биз Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ва БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган **"Маърифат ва диний бағрикенглик"** резолюциясини амалиётга татбиқ этиш йўлидан ҳам изчил борамиз.

Бунда, жумладан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, кўп қиррали диний-маънавий меросини, уларнинг бутунжаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз.

**Еттинчидан, "Жаҳолатга қарши — маърифат"** шиори остида муқаддас ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни ёшларимиз онгига сингдириш, азалий қадрият ва ахлоқий фазилатларимизни асрашни асосий вазифаларимиздан, деб биламиз.

Шундай қилиб, депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзоднинг сайловолди дастурида **миллий манфаат** деган тушунча биринчи ўринда туради. Биз Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришга интиламиз. Партиямиз шиорида қайд этилганидек: **"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!"**

## Раҳбар кадрлар масъулияти ҳар тарафлама ошди

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
142-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**

— Партиямиз сайловолди дастурининг "Ҳокимият ва давлат хизматини янада ислоҳ этиш" деб номланган бандида "ижтимоий лифт" ибораси келади. Кўчма маънода қўлланилган ушбу иборада давлат хизматчилари, давлат хизматчилари мансаб-мартаба пиллапояларидан юқорилаши жараёни назарда тутилган.

Дарҳақиқат, давлат хизматчилари мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш, давлат хизматчиси каби шарафли мартабага эришишнинг холис танловини жориш этиш, ёш миллий кадрлар захирасини шакллантириш, уларни давлат хизматига муайян тизим асосида тавсия этиш масаласи жамиятимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Эътибор берайлик: давлат хизматчиси, раҳбарлик, масъулият сўзлари бир-бирини тўлдирувчи, давомли тушунча мақомига эга бўла бормоқда.

Ислоҳотлар шиддат билан давом этаётган бир пайтда раҳбарлик масъулияти ҳар қачонгидан ўн, юз ҳисса ошади. Бундай шароитда "Мен ёшман", "Ҳали тажрибасизман" деган гап-сўзларга ўрин қолмайди. Замон эса ҳаётий эҳтиёжларни, давр эврилишларию кенг омма руҳиятида кечаётган ўзгариш ва янгиланишларни зукколик билан илғаб олишни тақозо этмоқда.

Маълумки, кейинги уч йил давомида жамиятимизда "деворлар" қулади, кенг омма вакиллари ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, танқидий қарашлари ва таклифларини эмин-эркин изҳор эта бошладилар. Муҳими, аҳоли томонидан билдирилаётган мулоҳазалар давлат хизматчилари ва ҳоказо раҳбар ходимлар эгаллаган хоналарга ҳам етиб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ, демократлашиш орзусидаги жамиятда соғлом мулоқот муҳити шаклланмоқда.

> «Ислоҳотлар шиддат билан давом этаётган бир пайтда раҳбарлик масъулияти ҳар қачонгидан ўн, юз ҳисса ошади. Бундай шароитда "Мен ёшман", "Ҳали тажрибасизман" деган гап-сўзларга ўрин қолмайди. Замон эса ҳаётий эҳтиёжларни, давр эврилишларию кенг омма руҳиятида кечаётган ўзгариш ва янгиланишларни зукколик билан илғаб олишни тақозо этмоқда».

Раҳбар жамият ва халқ олдида ҳисобдор. "Фалон лавозим эгасиман!" дея ҳаволаниш замонлари ортда қолди. Халқ вакилларининг идоралар раҳбарлари остонасида сарғайиб қабул соатларини кутишларига чек қўйилди, аксинча, раҳбарлар халқ ичига бормоқда, турфа муаммоларга фуқаролар ҳузурида очиқ-ошкора тарзда ечимлар изланмоқда. Айни шундай мулоқот майдонлари катта-кичик мансабдор шахслар учун синов, имтиҳон майдонига айланмоқда. Шу маънода, вазирликлар, ҳокимликлар ва ҳоказо идораларда матбуот хизмати ташкил этилиши, жамоатчилик билан алоқаларга алоҳида ва махсус эътибор қаратилаётгани айни муддао бўлди. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича масъул ходим раҳбарни оммавий мулоқот майдони ва минбарига чиқишга тайёрлаши, уни энг сўнгги янгиликлардан бохабар қилиши, ҳатто мулоқот стратегиясини белгилаб беришига тўғри келмоқда. Раҳбар ходим жамоатчилик ҳузурида ўзини қандай тутади, маълумотлари етарлими, турфа мурожаатларга қониқарли жавоб берадими, нутқи сайқал топганми, баҳс-мунозарага киришишга шайми, кутилмаган вазиятларда вазминликни сақлай оладими — буларнинг барчаси кенг омманинг кўз ўнгида кечади, баҳоланади. Шу аснода раҳбар шахснинг инсоний ва раҳбарлик имижи шаклланади, у раҳбарлик қилаётган идора, муассасага бўлган ҳурмат ортади, керак бўлса, давлатга ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларга бўлган халқ ишончи мустаҳкамланади.



Хизмат бурчи ҳар қайси давлат хизматидаги раҳбар олдига вазифалар, талаблар қўяди, масъулият белгилайди. Халқимиз раҳбар шахсларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, ардоқлайди ҳамда ҳалол, ўз хизмат бурчига садоқатли, халқпарвар раҳбарга оқ фотиҳа бериб, "ижтимоий лифт" сари йўллайди.

## Ахборот майдони замонга хос тарзда янгиланмоқда



**Саидаҳмад ШУКУРОВ,
21-Истиқлол сайлов
округидан Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзод:**

— Кейинги уч йилда эркин сўз, эркин фикр, эркин ахборот тушунчалари шу қадар оммалашдики, буни янги тарихимизнинг ўзига хос феномени, деб аташ мумкин. Ошкоралик, янгича медиамаконнинг шаклланиш жараёнини эса уч қисмга ажратиб, тадқиқ этсак хато бўлмайди.

Дастлабки босқич (2016-2017)да миллий матбуотимиз "мумкин эмас" (табу) деб ҳисобланган мавзуларга дадил қўл ура бошлади. Айниқса, интернет нашрлари жонланиб, улар томонидан одамларнинг онги забт этилди. Айни шу даврда ахборот соҳасида ўзига хос инқилоб юз берди, дейиш ҳам мумкин. Бу даражадаги ошкоралик жамият барқарорлигига таъсир қилмасмикан, деган фикрлар ҳам билдирила бошланди.

Иккинчи босқич (2017-2018)да эса оддий одамлар ташвиши, муаммолари матбуотимизда асосий мавзу сифатида кўтарила бошланди. Эътибор қаратилмаган масалалар кенг ёритилди. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқлар аралашуви билан қанчадан-қанча ночор фуқароларга ёрдам кўрсатилди. Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, айнан ана шу босқичда миллионлаб ўқувчисига эга нашрлар тил, имло борасида анчайин хатоларга ҳам йўл қўйдилар. Бундан ҳам ёмони, инсон руҳиятига сўз қандай таъсир этиши ва бунинг оқибатларига эътибор қаратмадилар. Натижада шов-шувли ахборот оқими барчани ўз домига торта бошлади. Қотиллик, ўз жонига қасд қилиш, камситилганлар тақдири шу қадар "реклама" қилиндики, гўёки аудиторияга инсон ҳаёти, қадри икки пул экани уқтирилаётгандек. Бундай хабарлар оқими эса жамиятда суицид ҳолатлари, оилавий ажралишларнинг ортишига ҳам олиб кела бошлади.

Тан олиш жоизки, айнан шу босқичда кўплаб ОАВ, айниқса, блогерлар қандай қилиб бўлмасин, омма эътиборини қозонишни бирламчи мақсадга айлантирдилар. Айрим нашрлар халқни маърифатга чорлаш, савиясини ўстириш ўрнига саёз медиа маҳсулот тақдим этишни оддий ҳолга айлантирдилар. Ҳатто матбуот "мазаси"ни тотиб кўрган айрим фуқаролик журналистикаси вакиллари ўзга сайёралик эканини таъкидлаётган ҳамюртимиз ёки пайғамбарликни даъво қилаётган кимса тўғрисидаги хабарларни ҳам тарқатишгача бордилар.

Бир вақтлар "Сталинград" сўзидан битта "р" ҳарфи тушиб қолгани учун газета ходими бадном бўлганини катта ёшлилар яхши эслашади. Аммо бугунги кунга келиб, ахборот тарқатиш соҳаси тўласинча бозорга мослаша бошлади. Ушбу маконда ким қаттиқроқ қичқирса, ўшанинг овози эшитилиб, ўшанинг матоҳи яхши сотиляпти. Энг ёмони, биринчи бўлиш учун ҳатто текширилмаган ахборотлар ҳам тарқатиляпти. Шунинг учун ҳам "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ўз фаолиятининг устувор вазифалари қаторига киритди. Бундай стратегия глобаллашув жараёнида халқимиз маданиятининг асослари дахлсиз сақланиб қолишига, унинг янада ривожланиб, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари самарадорлиги оширилишига хизмат қилади.

Қолаверса, бу журналистлар ва блогерларнинг эркин фаолият олиб бориш кафолатини мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг ахборот тарқатишдаги масъулиятини ҳам оширади.

Ниҳоят, навбатдаги босқич (2018-2019) бошланиб, бунда енгил-елпи хабарлар ўқувчи меъдасига тегкани яққол сезила бошлади. Шундан келиб чиқиб, ўзини ҳурмат қилувчи сайтлар олди-қочди хабарлар ўрнига нуфузли экспертларга кенг ўрин бера бошлади.

Шуларни инобатга олиб, партиямиз мамлакат равнақи шахснинг мутлақо мустақил фикрлаши, эркинлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир, деган тамойилдан келиб чиқиб, демократик жамиятнинг энг асосий кўрсаткичи ҳисобланган фикр ва сўз эркинлигини таъминлаш, Конституция ва қонунларда белгиланган сўз эркинлиги, шунингдек, танқид ва қарама-қарши фикрларга тоқатли бўлиш ҳамда оппозицияга тазйиқ ўтказмаслик ғоясини жамият ҳаётига сингдириш зарур, деб ҳисобламоқда.

> Маълумки, ахборот бозоридаги кескин рақобат шароитида ҳам ўз услуби, йўлини топиб олган ўнлаб босма нашрларда жиддий мавзулар кўтарилмоқдаки, бу ўқувчининг тафаккурини чархлашга хизмат қиляпти. Аммо шунга қарамай, босма нашрларнинг барқарорлиги обунага, таҳририятларда маркетинг ишларининг қай даражада йўлга қўйилганлигига бориб тақалмоқда. Буни биздан ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет нашрлари бир неча ўн баробар ривожланган 80 миллионли Германия аҳолисининг 50 миллиони ҳалигача асосий ахборотни газеталардан олаётганида ҳам кўриш мумкин. Ушбу мамлакатда ҳар куни 320 та таҳририятда 1 минг 500 номдаги газета чоп этилади.

Тарбияни ўнглаш учун китобхонликка қайтилаётган бир вақтда босма сўз орқали таъсир этиш воситасидан онгли равишда воз кечиш мантиққа зиддир. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари нафақат хабардор қилиш функциясини, балки тарбия, маърифат улашиш, маънавиятни юксалтириш вазифасини ҳам бажаришини унутмаслигимиз лозим.

**ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирма бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси 2019 йил 14 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 13 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# НУКУС ШАҲРИДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

*Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан Президент мактабининг ташкил этилаётгани тараққиётимизнинг янги даврида таълим соҳасини ислоҳ қилиш, қобилиятли болаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда узукка қўйилган гавҳар кўздек ёрқин намоён бўлмоқда.*



### Таълим

Нукусда Президент мактабининг очилгани шаҳарнинг сурат ва сийратига янгича мазмун бахш этди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 2018 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Нукус шаҳрида Президент мактабини ташкил этиш таклифини берганди. Қисқа муддат ичида ушбу замонавий таълим маскани бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.



Очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

Мактаб қурилишига маҳаллий бюджетдан 67 миллиард сўм маблағ ажратилди. Замонавий лойиҳа асосида 168 ўринга мўлжалланган икки қаватли ўқув биноси, уч қаватли ётоқхона, меҳмонхона, спорт заллари, бассейн, ошхона, дарс хоналарида барча қулайликлар муҳайё. Зарур жиҳозлар Хитой Халқ Республикаси ва Туркия давлатларидан келтирилди.

Мактабда ўқув жараёнлари қорақалпоқ, ўзбек тилларида, шунингдек, “STEAM” таълим дастури асосида олиб борилади. Ушбу йўналишдаги аниқ фанлар Буюк Британиянинг Cambridge University дастури асосида инглиз тилида ўқитилади. Маҳаллий педагоглардан ташқари Кения, Жанубий Африкадан тажрибали ўқитувчилар таклиф этилган.

Жорий йилда мактабга 7,5 мингдан зиёд ўқувчилар ҳужжат топширган эди, шулар орасидан иқтидорли 144 ўқувчи Кембриж университетининг тажрибали мутахассислари томонидан танлаб олинди. Ҳар бир синфда икки гуруҳга бўлинган ҳолда 24 ўқувчи таълим олади.

— Президент мактабига қабул қилинганимиздан беҳад хурсандмиз, — дейди амударёлик Шаҳриёр Шомуродов. — Бу ерда пухта билим олишимиз учун барча шароит яратилган. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, Президентимиз ишончини, албатта, оқлаймиз.

— Фарзандини баркамол этиб тарбиялаш халқимизга хос фазилат, — дейди нукуслик Алишер Қутлимуратов. — Шу маънода мен ўзимни бахтли ота, дея оламан. Чунки ўғлим Алпомиш Президент мактабининг бешинчи синфига қабул қилинди. Мактабдаги қулайликлардан бошимиз осмонда. Бу ерда таълим олган ёшларимиз эртанги кунимизнинг таянчига айланишига ишонамиз.

Тадбир қатнашчилари Президент мактабида ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

## ДУНЁ НИГОҲИ

### Хорижлик дипломатлар:
# «Барча муҳим йўналишларнинг стратегик жиҳатлари аниқ ифода этилди»

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мамлакатимиздаги хорижий давлатлар дипломатик миссиялари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарларида ҳам катта таассурот уйғотди.*

*Улар “Дунё” ахборот агентлиги мухбирларига берган интервьюсида давлатимиз раҳбари маърузасига ўз муносабатини ҳамда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришилган натижалар ҳақидаги фикрларини билдирди.*

**Дэниэл РОЗЕНБЛЮМ,**
**АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга таълим тизими ҳақида бир неча бор тўхталди. Мен давлат раҳбарининг сифатли таълим ва аҳоли онгининг ўсишига эришиш кўп меҳнат ҳамда вақт талаб қилади, деган фикрини қўллаб-қувватлайман.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон каби болалар ва ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга катта аҳамият беради. Бу улар томонидан ўз конституциявий ҳуқуқларини билиши, тушуниши ва амалда фойдаланишида муҳим аҳамиятга эга.

**Ҳелена ФРЕЙЗЕР,**
**БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси:**

— Конституция мамлакатнинг бош ҳуқуқий ҳужжатидир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мамлакат Асосий Қонунида белгилаб қўйилган тамойилларни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилганидан мамнунмиз.

Ўзбекистонда сўнгги уч йилда кенг кўламли янгилanишлар амалга оширилди. Мамлакат аҳолиси ислоҳотлар муҳокамаси ва ижросида фаол қатнашаётгани эътиборга молик.

Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида барча муҳим йўналишларнинг стратегик жиҳатларини айтиб ўтди. Хусусан, мамлакатда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янгитдан ташкил этилгани, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

**Петер САНТО,**
**Венгрия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида кучли ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳақида сўз юритди. Мамлакат очиқ ташқи сиёсати туфайли халқаро майдонда мавқеи ва имижини мустаҳкамлаб олди, деб ҳисоблайман. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга куч бағишламоқда.

Шу муносабат билан мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда олиб борилаётган ўзаро сермаҳсул муносабатларни таъкидлашни истардим. Шавкат Мирзиёев мамлакатга юқори малакали мутахассислар тайёрлаш зарурати ҳақида алоҳида тўхталди. Биз бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштиришга тайёрмиз.

**Михаилс ПОПКОВС,**
**Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Барчамиз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маърузасини катта қизиқиш билан тингладик. Унда демократия ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ўзгаришларни амалга оширишда давлат органларининг ролига оид жуда кўп ғоялар янграnumdi.

Давлат раҳбари аниқ мисолларда аҳолининг Конституция томонидан кафолатланган сифатли турмушини таъминлашга кучли таъсир ўтказадиган суд-ҳуқуқ тизими, фуқаролик жамияти каби ўта муҳим соҳаларга алоҳида эътибор қаратди.

Президент таълим тизимининг аҳамияти ҳақида ҳам батафсил сўзлади. Кенг кўламли ислоҳотлар кадрлар салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёев маърузаси давлат идоралари учун одамларнинг турмуш сифатини юксалтириш ва уларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси” бўлди.

**«Дунё» АА.**

# КОРРУПЦИЯ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ПУТУР ЕТКАЗАДИ

*Мамлакатимизда умуминсоний қадриятларга путур етказувчи иллат — коррупцияга барҳам бериш, уни илдизи билан қуритишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу борада “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.*

### Кўрик-танлов

Хусусан, Президентимизнинг ушбу Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамкорлигида фуқаролар йиғинлари ўртасида коррупцияга қарши кураш бўйича “Энг фаол фуқаролар йиғини” республика кўрик-танлови ўтказиб келинаётир.

— Бундан кўзланган мақсад маҳаллаларда коррупцияга қарши курашиш борасидаги тарғибот ишларини такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, жойларда бундай ҳолатлар юз беришининг олдини олиш, ёшларда унга қарши муросасизлик ҳамда фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантиришдан иборатдир, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси ўринбосари Турғун Қирғизбоев. — Муҳими, ана шу амалиёт ўзини оқлаяпти. Буни танловнинг октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтган қуйи босқичларида 28 минг 236 нафар аҳоли, шу жумладан, 15 мингдан зиёд ёшлар иштирок этгани ҳам тасдиқлайди.

Яқинда пойтахтимизда танловнинг республика босқичи ўтказилди.

Якунда Чуст туманидаги Янгиер маҳалласи раиси Феруза Рустамова ғолиб, деб топилди. Кейинги ўринлар Навоий шаҳридаги “Ватан” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Нарзуллаев ҳамда Паркент туманидаги Обод маҳалласи раиси Зулайҳо Йўлдошевага насиб этди.

Иштирокчиларга эсдалик совғалар ва дипломлар топширилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

*Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўз олдига инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини қўйди ва бу Конституциямизда ифодасини топди.*

*Бош Қомусимизда Ўзбекистон — суверен демократик республика эканлиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилган.*

*Шунингдек, унинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши белгиланган, бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлашга ҳам бевосита тааллуқлидир.*

### Қонунчилик ва амалиёт

Президентимиз 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида сайлов қонунчилиги ҳақида тўхталиб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ ишлаб чиқилган Сайлов кодекси жорий йил 25 июнда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Бу галги сайлов ана шу ҳужжат асосида ўтказилаётир.

Конституциямизда сайловга алоҳида боб бағишланган. Унинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳаракатлар стратегияси асосида ишлаб чиқилган фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳозирги пайтда амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, 2019 йил 4 сентябрда Президентимиз томонидан имзоланган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан Конституциямизнинг 117-моддасига ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга ҳам сайлаш ҳуқуқини беришни назарда тутадиган норма киритилди. Бу сайловни янада демократлаштириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини янада кучайтириш борасида муҳим қадам бўлди.

Сайлов кодексининг 3-моддаси талабига мувофиқ, сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали очиқ ва ошкора ўтказилади.

Умумий сайлов ҳуқуқи деганда сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга эканлиги тушунилади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи деганда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фуқаролар томонидан бевосита сайланиши англашилади.

Конституция ва Сайлов кодексида сайлов ҳуқуқининг кафолатлари тизимини яратиш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Сайлов ўтказишнинг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири Сайлов кодексида мустаҳкамланган бўлиб, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилишидир.

Конституцияга кўра, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун Олий Мажлис томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссияси тузилади. У ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга амал қилган ҳолда доимий асосда мустақил юритади.

Мамлакатимизда участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-иродасини эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратади.

Бутун сайлов жараёни кенг ошкоралик асосида ўтказилади. Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округ ва участкаларини тузиш, сайлов комиссиялари таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ҳамда сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов куни яшаш жойида бўлмайдиган сайловчилар муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади.

Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Мамлакатимизда сайлов ўтказадиган сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят қилиниши ҳуқуқи кафолатланган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда демократик сайлов ўтказишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари тизими халқаро ҳуқуқнинг қоида ва принциплари ҳамда сайлов тўғрисидаги халқаро стандартларга мос келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

**Бахтиёр МИРБОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси.**

### Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллигига

# Элимиз юрагида яшаётган шоир

*Ўзбек адабиётида Ҳамид Олимжоннинг ўзига хос ўрни бор. Болалигимдан бобомнинг ижодини ихлос билан ўқиб-ўрганамиз. Шоирга ҳам қалбан, ҳам руҳан яқинликни ҳис қиламиз.*

Бобом интизомли ва меҳнаткаш инсон бўлганини оиладагиларимдан кўп эшитганман. Доим янги асарлар яратиш хаёлида юрган. Атиги 35 йил умр кўрган бўлса-да, авлодларга ўлмас ижодий мерос қолдирган. Тарихий асарлар яратган. Драматургия ва таржимонлик билан шуғулланган. Халқ оғзаки ижоди вакилларини қўллаб-қувватлаган.

Бугунги кунда адабиёт ва китобхонлик ривожига алоҳида эътибор берилаётгани Ҳамид Олимжоннинг нафақат ҳаёти ва ижодини, балки унинг шахс сифатидаги сийратини ўрганиш имкониятини яратди. Жиззахда шоирнинг уй музейи ташкил қилинди.

Ҳамид Олимжон шеъриятида она тилимиз бутун гўзаллиги билан жилваланиб туради. Тили содда, халқ қалбига яқин. Маъно-мазмуни теран, ҳар бир сатрда юксак маҳорат бўй кўрсатади.



Бобомга кўпчилик шодлик ва бахт куйчиси, деган таъриф беради. Лекин унинг асарларида ўша замоннинг дардлари, тарихий ҳақиқатлар ҳам акс этган. Шоир уруш ва тинчлик, имонсизлик ҳамда виждон, сотқинлик ва садоқат каби тушунчаларни ўз шеърларига шу қадар нафислик билан сингдира олганки, бу қуйма мисраларни ўқувчи қандайдир бир кўтаринкилик билан қабул қилади. Тундан сўнг, албатта, тонг отишини билганимиздек шоирнинг шеъру достонлари ҳар биримизда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига қатъий ишонч уйғотади. Масалан, озодлик йўлида қурбон бўлаётган қаҳрамон — Муқанна “Мен элимнинг юрагида яшайман, Эрк деганнинг тилагида яшайман”, дея хитоб қилади. Ошиқ Офелия ноларида муҳаббатнинг сеҳри кучини туямиз.

Инсоний дардлар, қалб оғриқлари бобомга ҳам бегона бўлмаган. Ўтган асрнинг 37-йилларида момомнинг учта акаси қатағон қилинган, улардан бири отиб ташланган. Бобом ҳаётда, ижодда ҳаммаслак, ҳамфикр бўлган турмуш ўртоғининг аламларини ўзиники каби қабул қилмаган дейсизми?! У ҳам ижодкор, ҳам сиёсий арбоб сифатида бу воқеаларнинг энг чуқур сезимларини ҳам юракдан ўтказгани аниқ. Буни момом “Хотирам синиқлари” достонида изтиробли сатрлар билан ифодалаган. Ҳамид Олимжон ўз суюклиси дардларига елкадош бўлган, уни қаттол даврнинг совуқ шамолларидан асраган. Шунинг учун ҳам элимизнинг икки улуғ ижодкорининг ҳаёт йўли, вафо ва садоқати неча йиллардан бери барчамизга ибрат бўлиб келмоқда. Ҳамид Олимжон ҳаётсевар инсон бўлиб, оилада ўғил фарзанд туғилишини орзу қилган. Ҳатто туғилмаган ўғлига бағишлаб шеърлар ёзган. Бу ҳам, албатта, ўзбекчиликнинг бардавом анъаналаридан биридир.

Улуғ ижодкорларимиз ўз ҳаёти, асарлари орқали эл-юртга садоқатни, эртанги кунга ишонч билан яшашни кўрсатиб берган. Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ғафур Ғулом ва Миртемир каби устозлар бу борада чинакам эътирофга лойиқ. Шу боис уларни қанча қадрласак, ижодини ўргансак, шунча кам. Президентимиз ташаббуси билан Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби очилгани улуғ аждодларимизга эҳтиромнинг юксак намунаси бўлди. Айни пайтда мазкур ижод мактаби маҳорат, шеърият, санъат мактаби сифатида фаолият юритиб келмоқда. Зеро, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним мактаби унутилмасдир.

**Умид ИКРОМОВ,**
**Ҳамид Олимжоннинг жияни.**

ЭЪЛОН

**ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА!**

Сув таъминоти, оқова сув ва иссиқлик таъминоти соҳасида фаолият юритувчи маҳаллий қурувчи ҳамда пудрат ташкилотлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари диққатига.

«Коммунхизмат» агентлиги 2019 йил 17 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг кредитларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган сув таъминоти, оқова сув ва иссиқлик таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий қурувчи, пудрат ташкилотлари ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш» мавзуида семинар ўтказмоқда.

Семинарда халқаро молия институтлари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги вакилларининг чиқишлари режалаштирилган.

Семинарга сув таъминоти, оқова сув ва иссиқлик таъминоти соҳасидаги маҳаллий қурилиш, пудрат ташкилотлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар таклиф этилади. Семинар ўтказиладиган жой: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уй, «Ўзэкспомарказ» МКМ АЖнинг кинолектория зали. Семинарни ўтказиш вақти 2019 йил 17 декабрь куни соат 9.00 дан 13.00 гача.

**Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари намуналарини намойиш этишдан манфаатдор ишлаб чиқарувчилар «Ўзэкспомарказ» МКМ АЖга 71-238-56-00, 99-826-80-00 телефонлари орқали мурожаат қилишлари мумкин.**

**Маълумот учун телефонлар: 90-178-94-53, 90-189-68-31.**

1019J/

QQB QISHLOQQURILISHBANK

# ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## хизмат сифатини янада оширади

Молия муассасаларида

*“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Бухоро вилоятига уюштирилган пресс-тур давомида мазкур молия муассасаси билан ҳамкорлик қилаётган бир қатор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолияти билан яқиндан танишдик.*

*Пресс-тур давомида яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдикки, унга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бинобарин, у республикамизда молия-банк тизимини такомиллаштириш, хусусан, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан мижозларга қулайлик яратиш, аҳолини замонавий банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларга яққол мисол бўлади.*

*Гап шундаки, банкнинг вилоятдаги Галаосиё филиали янги маъмурий бинода фаолият бошлади. Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда банк бошқаруви, Бухоро вилояти ҳокимлиги мутасаддилари, банк мижозлари, жамоатчилик вакиллари жам бўлдилар.*

*Банк биноси замонавий технологиялар, хусусан, банкоматлар, инфокиосклар билан жиҳозланган. Мижозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун барча шароит яратилган.*
*24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи шохобча ташкил этилган. Бу эса “Қишлоқ қурилиш банк” ўз инфратузилмасини кенгайтириш орқали мижозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилаётганидан далолатдир.*





Тадбиркор ҳар томонлама тадбирли бўлмаса, истиқбол режаларини пухта тузмаса, рақобатга дош бера олмай қолиши турган гап. Чунки бугунги кунда рақобат жуда кучли. Бухоро шаҳридаги “City Med Bukhara” масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишган.

Умумий қиймати қарийб 7 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа ижросига ўтган йили киришилиб, жорий йилда ишга туширилди. Бунда “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ажратилган 5 миллиард сўмлик кредит қўл келди.

Айни пайтда 45 нафар мутахассис аҳолига кардиология, невропатология, ревматология, эндокринология каби йўналишларда тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, тиббиёт муассасасида бир пайтда 66 киши ётиб даволаниши мумкин.

— Юртимизда тиббиёт йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа йўналишларда қатор имтиёзлар тақдим этилган, — дейди муассаса иш юритувчиси Азиз Қораев. — Шу боис эндиликда лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида муассаса ёнида болалар шифохонаси ҳамда спорт соғломлаштириш марказини барпо этяпмиз. Бунинг учун ҳам банк томонидан 10 миллиард сўм маблағ тақдим этилган.

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, мазкур муассаса қаровсиз ҳолдаги эски бинони тубдан реконструкция қилиб, иш бошлади. Ҳозирги пайтда унинг атрофида 10 дан зиёд кўп қаватли тураржойлар қуриляпти. Демак, ҳадемай, ушбу ҳудуд гавжум гўшалардан бирига айланиб, лойиҳа ўзини тўлиқ оқлайди.

— Бундай истиқболли лойиҳалар доимий эътиборимизда, — дейди “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ бошқарма бошлиғи Миразиз Эгамбердиев. — Жумладан, “Buxara Komfort Plast” МЧЖнинг иккинчи босқичи доирасида салкам икки ярим миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Натижада бу ерда аввал пластик қувурлар ишлаб чиқарилган бўлса, берилган сармоя туфайли фитинглар, қувурлар учун зарур бошқа қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Эътиборли жиҳати, мазкур корхонада чиқитсиз технология жорий қилинган. Яъни иш жараёнида пайдо бўладиган пластмасса бўлаклари ёки бошқа чиқиндилар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, янги маҳсулот тайёрланади.

Корхонанинг йиллик қуввати 10 миллиард сўмни ташкил этади. Муҳими, маҳсулотга эҳтиёж бор. Чунки ҳозир республикамизнинг бошқа ҳудудлари қаторида Бухоро вилоятида ҳам кўплаб тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари қуриляпти. Бу, табиийки, ушбу маҳсулотларга бўлган заруратни оширади.

Банкнинг Бухоро минтақавий филиали томонидан Жондор туманидаги “Яккатут” масъулияти чекланган жамиятининг донни қайта ишлаш лойиҳаси ҳам молиявий қўллаб-қувватланди. Яъни умумий қиймати 12 миллиард 445 миллион сўмлик ушбу лойиҳа учун банк томонидан 3 миллиард сўм миқдорида кредит тақдим этилди.

Лойиҳа асосида корхонага тегишли цех биноси тўлиқ қуриб битказилди. Пировардида бу ерда йилига 16 800 тонна дон қайта ишланиб, 10 минг тоннадан ортиқ ун маҳсулотлари тайёрлаш имконияти пайдо бўлди. 80 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Умуман олганда, ҳудуддаги лойиҳалар рўёбида банк томонидан тўғридан-тўғри хорижий кредит линиялари жалб этилишига катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, 2019-2020 йиллар мобайнида шундай молиявий манбалар ҳисобига 70 та лойиҳага 16,2 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилмоқда. Бу борада Хитой Эксимбанки, Россиянинг “Транскапиталбанк”и каби молия муассасалари билан ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, бундай алоқалар янги, истиқболли ва фойдали лойиҳаларни амалиётга жорий этишда, ҳудудлар иқтисодиёти ривожида, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бухоро вилоятида эса бунга мисоллар жуда кўп.

**Д. МУРОДОВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6